

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШОДИЕВ БОТУР ВАХОБЖОНОВИЧ

**БАЧАДОН НАЙЛАР БЕПУШТЛИГИ БЎЛГАН АЁЛЛАРНИ
ЁРДАМЧИ РЕПРОДУКТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ТАЙЁРЛАШ
УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА
ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ БИРИНЧИ ДАВРИ НАТИЖАЛАРИНИ
ЯХШИЛАШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератимундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шодиев Ботур Вахобжонович

Бачадон найлар бепуштлиги булган аёлларни ёрдамчи репродуктив технологияларга тайерлаш услубларини такомиллаштириш асосида хомиладорликнинг биринчи даври натижаларини

яхшилаш..... 3

Шодиев Ботур Вахобжонович

Оптимизация подготовки к вспомогательным репродуктивным технологиям и улучшение исхода 1- го триместра беременности у женщин с трубным бесплодием

26

Shodiev Botur Vakhobjonovich

Optimization of preparation for assisted reproductive technologies and the outcome of the 1st trimester of pregnancy in women with tubal infertility.....

48

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works..... 52

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШОДИЕВ БОТУР ВАХОБЖОНОВИЧ

**БАЧАДОН НАЙЛАР БЕПУШТЛИГИ БЎЛГАН АЁЛЛАРНИ
ЁРДАМЧИ РЕПРОДУКТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА ТАЙЁРЛАШ
УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА
ҲОМИЛАДОРЛИКНИНГ БИРИНЧИ ДАВРИ НАТИЖАЛАРИНИ
ЯХШИЛАШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.3.PhD/Tib2059 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар	Расуль-Заде Юлдуз Гулямовна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	Абдуллаева Лагя Мирзатуллаевна тиббиёт фанлари доктори, доцент Зуфарова Шахноза Алимжановна - тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Етакчи ташкилот	Н.Н. Бурденко номидаги Воронеж давлат тиббиёт университети

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ кунини соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кунини тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.Т. Ходжиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент

Г.А.Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш давлат аҳамиятига молик вазифалар қаторига киради. Илгари эр-хотин жуфтлиги икки йил давомида мунтазам жинсий алоқада бўлган ҳолда, ҳомиладорликдан сақланмасдан фарзанд кўра олмаса, бепушт деб ҳисобланган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич бир йилгача камайган. Бундан ташқари, шифокорлар «бепуштлик» ташҳисини кўйган муддат, ёрдамчи репродуктив технологиялар усулининг тарқалишига тескари мутаносибликда аста-секинлик билан камайиб борди. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти экспертларининг баҳолашларига кўра, дунёда 50-80 млн. аёл ва турмуш қурган аёлларнинг 11,3% бепуштлик билан касалланган, шу билан бирга фақатгина уларнинг атиги 35% тиббий ёрдамга муурожаат қилади. Бироқ, «...экстракорпорал уруғлантиришнинг ишлаб чиқилишига қарамасдан, репродуктив функциянинг бузилишларининг тарқалиши ортиб бормоқда, экстракорпорал уруғлантириш циклларида ҳомиладорлик даражаси эса ўртача 35,0% дан ошмайди»¹.

Бутун дунёда бачадон найлари бепуштлигининг эрта ташҳисотини амалга ошириш, хавф омилларини башорат қилиш ва аниқлашга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, бундан ташқари, сўнгги ўн йилликлар давомида бепуштлик муаммоси бутун дунёда фаол ўрганилмоқда. Шу муносабат билан, ёрдамчи репродуктив технологиялар ёрдамида ҳомиладорлик ва туғруқни олиб бориш – экстракорпорал уруғлантиришнинг комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ушбу тадбирни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аёллар организмни экстракорпорал уруғлантиришга тайёрлашнинг клиник-лаборатор текшириш усуллари бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бироқ, бутун дунёда ёрдамчи репродуктив технологияларни кўллаш бўйича ҳали ҳам ечилмаган муаммолар мавжуд.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, жумладан, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишни таъминлаш, эрта ташҳислаш ва асоратларни камайтириш, хусусан, бачадон найлари бепуштлиги билан касалланган аёлларни экстракорпорал уруғлантиришдан юзага келадиган асоратларни эрта ташҳислаш ва камайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясида белгиланган 7 та устувор йўналишнинг 4-бўлими 56-бандида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2023 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»²

¹Valamakis G., Chrousos G., Mastorakos G. Stress, female reproduction and pregnancy. *Psychoneuroendocrinology*. 2019; 100: 48-57. [http:// dx.doi.org/10.1016/j.psychoneu.2018.09.031](http://dx.doi.org/10.1016/j.psychoneu.2018.09.031)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сонли Фармони.

бўйича вазифалар белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, бачадон найлари бепуштлиги билан касалланган аёлларни ҳомиладорликка тайёрлашда экстракорпорал уруғлантириш ва I-триместрни антенатал олиб бориш бўйича турли тактикаларини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6110-сон Фармони, 2022 йил 28 ноябрдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4887-сон ва 2020 йил 12 ноябрдаги «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4891-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аёлларда бепуштликнинг етакчи сабаблари най-перитонеал омили, эндокрин бузилишлар ва репродуктив аъзоларнинг анатомик нуқсонлари ҳисобланади. Фертиликнинг ва даволаш самарадорлигининг пасайишининг, шу жумладан ёрдамчи репродуктив технологиялар (ЁРТ) циклларида асосий сабабларидан бири имплантациянинг омадсизликлари ҳисобланади, бу репродуктив жараёнга таъсир қилувчи турлича ва кам ўрганилган кўп сонли омиллар билан боғлиқ (Gaskins A.J., 2015; Fung J.L., 2017). Имплантация жараёни жуда мураккаб ва кўплаб омилларга ҳамда бир қатор шартларга риоя қилиниши билан боғлиқ: эндометрий ва эмбриондаги молекуляр - иммунологик жараёнларнинг юқори даражадаги синхронлиги, гормонал фоннинг адекватлиги, эндометрий ва субэндометриал қаватининг фаол қон билан таъминланишисиз имконсиз бўлган, физиологик жиҳатдан тўлақонли шароитлар (Коваленко Я.А., 2017; Радзинский В. Е., 2017).

Бачадон найлари бепуштлиги экстракорпорал уруғлантириш (ЭКУ) учун асосий кўрсатмалардан биридир. Бундай ҳолатларда ЭКУ оқибатига кўплаб омиллар, жумладан пациентнинг ёши, тухумдонни стимуляция қилиш усуллари, ўтказилган эмбрионларнинг сифати ва миқдори, эндометрийнинг ултратовуш анатомияси таъсир қилади (Исмайлова М.К., 2013; Корсақ В.С., 2017).

Бачадон найлари бепуштлигининг сабаби ҳам ЭКУ натижаларига таъсир қилувчи муҳим омил ҳисобланади. Бачадон найларининг турли касалликлар

ҳисобига келиб чиқадиган обструкцияси, деформацияси, перисталтикасининг бузилиши каби морфологик ва функционал бузилишлари барча бепуштлиқ ҳолатларининг 25-30% ни ташкил қилади. Бачадон найларининг ўтказувчанлигини аниқ баҳолаш ташҳисот текширувининг ҳамда бепушт аёлларни олиб боришнинг этиопатогенетик тактикасини танлашнинг фундаментал босқичларидан биридир (Индиаминова Г., Жумаев И., & Юлдашева У., (2014). Современные взгляды на развитие вторичного бесплодия у женщин. Журнал вестник врача, 1(03), 109–111).

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда ЭКУ дастурига киритиш вақтида бачадон найлари патологиясининг мавжудлиги тўғрисида терапевтик консенсус мавжуд эмас.

Шундай қилиб, юқорида санаб ўтилганларнинг барчаси бепуштлиқнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган этиопатогенетик омилларни қўшимча ўрганиш, уни ЁРТ усуллари билан ўз вақтида коррекциялаш, максимал муваффақиятли натижага эришиш учун ҳомиладорликкача тайёрлаш заруратини асослаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2022 PhD 143) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бачадон найлари бепуштлиги бўлган аёлларда ёрдамчи репродуктив технологияларга тайёргарликни такомиллаштириш ва ҳомиладорликнинг I-триместрининг натижаларини яхшилашдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

бачадон найлари генезидаги аёллар бепуштлигида экстракорпорал уруғлантириш усулининг самарадорлигини ретроспектив таҳлил қилиш;

бепуштлиқнинг бачадон найлари омили бўлган аёлларнинг қон зардобидаги микроэлементлар таркибини ва фолат кислотасининг миқдорини аниқлаш;

тухумхужайраларнинг сифатли етилишидаги ролини баҳолаш учун фолликуляр суюқликнинг микроэлемент таркибини аниқлаш

бачадон найлари бепуштлиги бўлган аёлларда экстракорпорал уруғлантириш амалиёти ва I-триместрда антенатал парвариш қилиш учун ҳомиладорликдан олдинги тайёргарликнинг оптимал тактикасини ишлаб чиқиш ва таклиф қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида бачадон найлари бепуштлиги билан касалланган репродуктив ёшдаги 82 нафар бемор жалб қилинган.

Тадқиқот предмети сифатида най бепуштлиги бўлган репродуктив ёшдаги аёлларнинг қон зардоби, фолликуляр суюқлиги хизмат қилган.

Тадқиқот усуллари: клиник, гематологик, биокимёвий, статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экстракорпорал уруғлантириш амалиётига жалб қилинган аёлларда веноз қондаги ва фолликуляр суюқликдаги рух, мис, темир, фоллий кислотаси миқдорининг камайганлиги экстракорпорал уруғлантириш амалиётига жалб қилинган аёлларда полидефицит ҳолат мавжудлиги юқори эҳтимоллиги борлиги аниқланган;

илк марта бачадон найлари бепуштлиги билан касалланган аёлларда экстракорпорал уруғлантиришнинг муваффақиятли натижасининг асоси ҳисобланган юқори сифатли тухум ҳужайранинг етилишида веноз қон ва фолликуляр суюқликнинг эссенциал таркиби, яъни мис, рух ва темир миқдори ўртасида узвий боғлиқлик борлиги исботланган;

полидефицитли ҳолатининг мавжудлиги аёлларнинг йиғилган, етук, уруғлантирилган ва музлатилган тухум ҳужайралари сонига салбий таъсир кўрсатиши, шунингдек, доминант фолликулалар сонининг камайишига хизмат қилиши исботланган;

бачадон найлари бепуштлиги бўлган аёлларда қон ва фолликуляр суюқликнинг политанқислик ҳолатини коррекциялашга асосланган экстракорпорал уруғлантириш ва ҳомиладорликнинг I-триместрига ҳомиладорликкача тайёрлашнинг оптимал тактикаси ишлаб чиқилиб, бу уруғлантириш ва ҳомиладорликнинг юзага келишини ишонарли даражада ошириши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бачадон найлари бепуштлиги бўлган аёлларда экстракорпорал уруғлантириш дастурларининг натижаларини яхшилаш мақсадида веноз қон ва фолликуляр суюқликнинг микроэлемент таркибини коррекциялашга асосланган ҳомиладорликка тайёрлаш усуллари ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган;

бачадон найлари бепуштлиги билан касалланган аёлларнинг веноз қони ва фолликуляр суюқлигида рух, мис ва темирнинг сезиларли даражада пасайиши аёл танасининг политанқислик ҳолатининг ривожланишини кўрсатиши исботланган, бу экстракорпорал уруғлантиришдан олдин ҳомиладорликка тайёргарлик кўришни ўтказишга кўрсатма бўлган;

ёрдамчи репродуктив технология дастурларига ҳомиладорликдан олдин оқилона тайёргарлик кўриш ва аёлларнинг экстракорпорал уруғлантирилгандан кейин ҳомиладорликнинг I-триместрини олиб бориш бўйича амалий соғлиқни сақлашга самарали тавсиялар таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи инструментал, клиник, лаборатор, скрининг ва статистик усуллар, тадқиқотда текширилган аёлларнинг етарли сони, олинган маълумотларнинг тўғрилиги, маълумотларни ушбу соҳадаги бошқа маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар маълумотлари билан таққосланганлиги, шунингдек, олинган маълумотларнинг ваколатли ташкилотлар билан келишилганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, экстракорпорал уруғлантиришга жалб қилинган аёлларда веноз қондаги ва фолликуляр суюқликдаги рух, мис, темир, фолат кислотаси миқдори камайган, бу эса аёлларнинг ушбу тоифасида полидефицит ривожланишини исботлашга имкон берган, экстракорпорал уруғлантиришнинг муваффақиятли натижаси учун асос бўладиган сифатли тухум хужайраларнинг етилиши ҳамда қон ва фолликуляр суюқликдаги мис, рух ва темир ўртасида узвий боғлиқлик аниқланган, полидефицит ҳолатининг мавжудлиги, аёлларнинг йиғилган, етук, уруғлантирилган ва музлатилган тухумхужайралари сонига салбий таъсир қилиши, шунингдек, доминант фолликуллар сонининг камайишига сабаб бўлиши, бачадон найлари бепуштлиги бўлган аёлларда қон ва фолликуляр суюқликнинг политанқислик ҳолатини коррекциялашга асосланган экстракорпорал уруғлантириш ва ҳомиладорликнинг I-триместрига ҳомиладорликкача тайёрлашнинг оптимал тактикаси ишлаб чиқилган, бу уруғлантириш ва ҳомиладорликнинг юзага келишини ишонарли даражада ошириш имконини берганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, бачадон найлари бепуштлиги бўлган аёлларда экстракорпорал уруғлантириш дастурларининг натижаларини яхшилаш мақсадида веноз қон ва фолликуляр суюқликнинг микроэлемент таркибини коррекциялашга асосланган ҳомиладорликка тайёрлаш усуллари ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ этилган, бачадон найлари бепуштлиги билан касалланган аёлларнинг веноз қони ва фолликуляр суюқлигида рух, мис ва темирнинг сезиларли даражада пасайиши аёл танасининг политанқислик ҳолатининг ривожланишини кўрсатиши, бу экстракорпорал уруғлантиришдан олдин ҳомиладорликка тайёргарлик кўришни ўтказишга кўрсатма бўлган, ёрдамчи репродуктив технология дастурларига ҳомиладорликдан олдин оқилона тайёргарлик кўриш ва аёлларнинг экстракорпорал уруғлантирилгандан кейин ҳомиладорликнинг I-триместрини олиб бориш бўйича амалий соғлиқни сақлашга самарали тавсиялар таклиф этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. бачадон найлари бепуштлиги бўлган аёлларда ёрдамчи репродуктив технологияларга тайёргарликни оптималлаштириш ва ҳомиладорликнинг I-триместрининг натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқот натижаларига асосан:

бачадон найлари бепуштлиги билан касалланган аёлларда экстракорпорал уруғлантириш дастурларининг самарадорлигини башорат қилишда қон ва фолликуляр суюқликнинг микроэлементлари ўрнини аниқлаш имконини берган «Экстракорпорал уруғлантириш дастурларининг самарадорлигини башорат қилишда най-перитонеал генезли бепуштлик билан касалланган аёлларда микроэлементлар ўрнини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 25 февральдаги 8н-р/207-сон маълумотномаси). Ушбу услубий

тавсиянома бачадон найлари бепуштлиги бўлган аёлларда экстракорпорал уруғлантириш ва ҳомиладорликнинг I-триместрини олиб бориш дастурини самарали баҳолашга имкон берган;

бачадон найлари бепуштлиги бўлган аёлларда экстракорпорал уруғлантириш ва I-триместрни антенатал олиб бориш учун ҳомиладорликкача тайёрлаш тактикасини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашга, хусусан, Бухоро шаҳар 4-сонли оилавий поликлиникаси, Тошкент шаҳридаги экстракорпорал уруғлантириш клиникаларида тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 30 августдаги 8н-з/441-сон хулосаси). Олинган натижаларни амалиётга тадбиқ этиш экстракорпорал уруғлантиришдан сўнг аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ натижаларини яхшилашга, шунингдек, бачадон найлари бепуштлиги бўлган аёлларда экстракорпорал уруғлантириш ва ҳомиладорликнинг I-триместрини олиб бориш дастурларининг самарадорлигини башорат қилишда қон ва фолликуляр суюқликнинг микроэлементларини аниқлашни яхшилаган, бу эса тиббий ёрдам сифатини оширган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши тўғрисидаги маълумотлар, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «Дунёдаги ёрдамчи репродуктив технологиялар ҳақида замонавий тушунчалар» маҳаллий ва хорижий тадқиқотчилар томонидан нашр этилган тадқиқотлар натижалари, экстракорпорал уруғлантиришнинг аёл организмига таъсири бўйича клиник тадқиқотлар таҳлили тавсифланган. Шунингдек, Ўзбекистонда ушбу муаммонинг ҳал этилмаган ва аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатлари аниқланди. Экстракорпорал уруғлантириш (ЭКУ) самарадорлигини клиник-лаборатор, иммунологик, морфологик, гематологик ва бошқа тадқиқотлар

асосида олинган натижаларнинг таҳлили батафсил таҳлили ўтказилди. Ҳомиладорликдан олдин даволашнинг, оғир асоратларнинг олдини олиш мақсадида ишлатиладиган турли хил дори воситалари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Диссертациянинг иккинчи бобида «Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари», тадқиқот материаллари ва усуллари умумий тавсифи берилган.

Барча клиник ва лаборатор тадқиқотлар уч босқичда ўтказилган: 1-босқич (тайёргарлик); 2-босқич (тадқиқотни ўтказиш); 3-босқич (тадқиқотни яқунлаш). Шунини таъкидлаш лозимки, тадқиқот ўтказиш учун ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаган, барча тадқиқотлар олдиндан тасдиқланган илмий тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилган.

Ушбу диссертация ишини бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг шаҳар ва қишлоқларида доимий истиқомат қилувчи 82 нафар фертил ёшдаги (19-39 ёш) аёллар тадқиқотга жалб этилган.

Барча текширилганлар қуйидаги гуруҳларга таъсирланган:

асосий гуруҳ - ЭКУ бажарилган ва қонида эссенциал микроэлементлар етишмовчилиги бўлган 51 аёллардан иборат;

таққослаш гуруҳи қонда муҳим микроэлементлар етишмовчилиги бўлган 31 аёлдан иборат бўлиб, улар ЭКУ амалга оширган ва микроэлемент ўз ичига олган препаратлар билан коррекцияловчи терапиядан ўтган. Шунингдек, биринчи триместрда антенатал ёрдам олганлар;

назорат гуруҳи - ЭКУ амалга оширилмаган ҳолда қондаги эссенциал микроэлементларнинг миқдори меъёрий бўлган соғлом аёллар, n=45.

Текширилган 82 нафар аёлдан 54 (65,9%) нафари қишлоқ аҳолиси бўлган, нафари эса 28 (34,1%) шаҳарларда истиқомат қилган, олинган маълумотлар шунини кўрсатадики, сўровда иштирок этган аёлларни тақсимлашда репрезентативлик тамойилларига риоя қилинган.

Текширилган беморларда TORCH инфекциялари етарли даражада хилма-хил аниқланган, шундай қилиб назорат гуруҳида TORCH инфекциясидан фақат уреоплазмалар (5,5%) ва микоплазмалар (7,3%) аниқланган. Таққослаш гуруҳининг 51 нафар беморида герпес инфекциялари (3,9%), токсоплазмоз (3,9%), камдан-кам ҳолларда аниқланган. Нисбатан тез-тез хламидия (31,4%), микоплазмалар (7,3%) ва уреоплазмалар (5,9%) топилган. Асосий гуруҳ аёлларида (n=31) келтирилган инфекцияларнинг барчаси таққослаш гуруҳи даражасида аниқланган (P>0,05).

Тадқиқотларда аниқланишича, барча текширилган аёлларда экстрагенитал касалликлар камдан-кам ҳолатларда, кам сонли учраган. Бунинг сабаби беморларни танлашдир, чунки ЭКУга фақат ёш, соғлом аёллар, шунингдек аниқланган экстрагенитал касалликларни даволашнинг тўлиқ курсини ўтаганлар мурожаат қилишади.

Тадқиқотларда аниқланишича, текширилган аёлларнинг шикоятлари, уларнинг йўқлиги сабабли кам учраган. Таққослаш гуруҳидаги ва асосий гуруҳидаги баъзи аёллар асабийликка (мос равишда 11,8% ва 9,7%),

тирноқлар синувчанлигига (мос равишда 2% ва 6,5%) шикоят қилишган. Бошқа шикоятлар кам учраган ва айрим ҳолатларда фарқ қилган.

Таққосланадиган гуруҳлар ўртасида вазн-бўй кўрсаткичларида таққослаш гуруҳи ва асосий гуруҳнинг кўрсаткичлари назорат гуруҳи маълумотларидан ишонарли даражада фарқ қилсада, эътиборни тортадиган катта фарқлар қайд этилмаган ($P < 0,05$). Аммо шуни инобатга олиш керакки, бу миқдорий фарқлар сезиларли аҳамиятга эга бўлмаган ва улар ЭКУ амалиётини ўтказишда ҳал қилувчи рол ўйнамаган.

Қуйидаги гормонлар: ФСГ, ЛГ, Эстрадиол, ТТГ, ТЗ, Т4, Пролактин, 17-ОН-прогестерон, ДГА - сульфат, тестостерон, АМГ, Ингибин В ва Прогестерон миқдори АИРФ-01 УНИПЛАН автоматик иммунофермент анализатори ёрдамида аниқланган. Қон олишдан 3 кун олдин интенсив спорт машғулоти чекланган, тадқиқот ҳар қандай ўткир касалликлар пайтида ўтказилмаган.

Экстрагенитал уруғлантиришни олиб бориш техникаси. Биринчи босқич: суперовуляцияни стимуляциялаш; иккинчи босқич: фолликулларнинг пункцияси; учинчи босқич: тухумхужайрани уруғлантириш ва эмбрионни етилтириш; тўртинчи босқич: ЭКУ дастурининг якуний босқичи бўлган эмбрионни кўчириш. ЭКУ клиникаларида одатда бачадонга битта эмбрион кўчирилган, бу тактика кўп ҳомилалик асоратларининг олдини олиш имконини берган.

Статистик маълумотларни қайта ишлаш икки босқичда амалга оширилган: статистик таҳлилга тайёргарлик кўриш; статистик таҳлил. Статистик таҳлилга тайёргарлик кўриш, таҳлил қилинган ўзгарувчилар турларини, ҳар бир белгининг тақсимот кўринишини ва вазифаларни шакллантиришни ўз ичига олган. Иккинчи босқич давомида, биринчи босқичда ўрганилган учта асосий омилга кўра конкрет статистик усул танланган: таҳлил қилинадиган ҳисоб белгисининг типи; таҳлил қилинадиган белгиларнинг тақсимланиш характери; ўрганилган намуналарнинг сони ва тури (боғлиқ бўлган ёки боғлиқ бўлмаган). Белгининг тақсимот кўриниши Microsoft Excel дастури ёрдамида таҳлил қилинди. Статистик ишлов бериш Pentium-IV процессорли шахсий компьютерда STATISTICA-10 дастурий таъминот тўплами ёрдамида Microsoft Office Excel-2012 дастурий таъминот тўплами, шу жумладан ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланиш орқали амалга оширилган.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Най бепуштлиги бўлган аёлларда ЭКУ натижалари ва ҳомиладорликнинг I триместридаги натижаларини ретроспектив таҳлил қилиш»** текширилаётган аёлларда лаборатор кўрсаткичларни таҳлил қилиш натижалари келтирилган.

Текширувдан ўтганлар орасида 17 (16,67%) нафари бирламчи бепуштликдан азият чеккан; иккинламчилар - 83 (83,33%) аёллар. Бепуштликнинг давомийлиги 2 йилгача бўлган аёллар 4 та (3,92%); 5 ёшгача – 48 (47%) 5 йил ва ундан юқориси - 50 (49%). та аёлда.

Текширувдан ўтган аёлларнинг 17 нафари (6,7 фоизи) бирламчи бепуштлиқдан азият чекаётгани, текширилган иккиламчи бепушт аёллар улуши 85 (83,3 фоиз) нафарни ташкил этганлиги аниқланди.

Олинган маълумотлар иккиламчи бепуштлиқнинг сезиларли устунлигини кўрсатмоқда, ва бу 5 барабар юқори бирламчи бепуштлиқдан кўра ва бу фарқ сезиларли: 16,67% га нисбатан 83,33% ($P < 0,001$).

3 (2,94%) аёлда 3 ёки ундан ортиқ ИВФ дастурига уриниш, 8 (7,84%) аёлда 2 марта ва 91 (89,2%) аёлда битта процедура бўлган.

Амбулатория карталаридаги ёзувларга кўра, такрорий ЭКУ муолажаларига ётқизилган аёлларда муваффақиятсиз ЭКУ уринишларининг 34 % аниқланган.

Гуруҳлар ўртасида қиёсий тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, ўрганилган аёлларда қондаги гемоглобиннинг кўрсаткичлари ўзаро ишонарли фарқ қилмаган. Асосий гуруҳ аёлларида гемоглобиннинг бироз пасайиши қайд этилган ($118,61 \pm 2,54$), аммо кўрсаткичлар таққослаш гуруҳи ($122,44 \pm 1,21$) ва назорат гуруҳи ($120,81 \pm 1,80$) - $P > 0,05$ маълумотларидан ишонарли фарқ қилмаган. Аниқланган эритроцитлар кўрсаткичларига кўра, шунингдек гуруҳлар ўртасида ишонарли фарқлар бўлмаган. Уларнинг миқдорий кўрсаткичлари гуруҳлар ўртасида жуда яқин бўлган. Худди шундай кўрсаткичлар ранг кўрсаткичлари бўйича ҳам қайд этилган ($P > 0,05$).

Бизнинг тадқиқотларимизда назорат гуруҳидаги лейкоцитлар $5,75 \pm 0,16 \times 10^9/\text{л}$ ни ташкил этган, аммо бошқа ўрганилган гуруҳларда кўрсаткичлар ишонарли даражада фарқ қилмаган, мос равишда $5,79 \pm 0,16 \times 10^9/\text{л}$ ва $5,70 \pm 0,22 \times 10^9/\text{л}$ бўлган ($P > 0,05$). Шунингдек эритроцитлар чўкиш тезлигига (ЭЧТ) кўра ҳам, ишонарли фарқлар бўлмаган ($P > 0,05$), гарчи таққослаш гуруҳи ва асосий гуруҳда ўсиш тенденцияси қайд этилган бўлсада, гуруҳлар бўйича мос равишда $10,23 \pm 0,86$ мм/соат, $111,29 \pm 0,95$ мм/соат ва $12,54 \pm 1,26$ мм/соат ни ташкил этган. Текширилган аёлларда қондаги тромбоцитлар сони билан боғлиқ баъзи фарқлар кузатилган. Таққослаш гуруҳининг кўрсаткичлари ($265,56 \pm 6,65 \times 10^9/\text{л}$) назорат гуруҳи ($247,63 \pm 5,26 \times 10^9/\text{л}$, $P < 0,05$) ва асосий гуруҳ ($251,83 \pm 6,42 \times 10^9/\text{л}$, $P < 0,05$) кўрсаткичларига қараганда ишонарли юқори бўлган. Аммо бу ўзгаришлар аҳамиятли эмас ва шу муносабат билан ушбу кўрсаткич текширилган аёлларда гематологик кўрсаткичлар ҳолатининг умумий таассуротига таъсир қилмайди деган хулосага келинган.

Шундай қилиб, текширилган аёлларда гематологик кўрсаткичларни аниқлаш натижалари шуни кўрсатганки, назорат ва асосий гуруҳлар, шунингдек таққослаш гуруҳи ўртасида деярли барча кўрсаткичларда ишонарли фарқлар бўлмаган, олинган барча натижалар меъёрий қийматлар даражасида бўлган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи гемостазограмма кўрсаткичларини аёлларда қиёсий жиҳатдан ўрганиш бўлган. Гемостазограмманинг 6 та кўрсаткичи ўрганилган бўлиб, шундан таққослаш гуруҳидаги 3 таси (50,0%) ва асосий гуруҳдаги 4 (66,67%) таси назорат гуруҳи маълумотларидан

($p < 0,05$ - $P < 0,001$) ишонарли даражада фарқ қилган. Шундай қилиб, қоннинг ивиш вақти (ҚИВ) таққослаш гуруҳида назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан 5,86 баравар кўп бўлган - мос равишда $6,15 \pm 0,71$ мин $1,05 \pm 0,03$ мин га қарши ($p < 0,001$). Ушбу кўрсаткичнинг ошиш тенденцияси асосий гуруҳда ҳам қайд этилган - мос равишда $4,41 \pm 0,49$ мин, $1,05 \pm 0,03$ мин га қарши (фарқ 4,20 марта, $P < 0,001$). Таққослаш гуруҳида ва асосий гуруҳда ҚИВнинг ошиши ушбу гуруҳ беморларининг индивидуал хусусиятлари билан изоҳланади.

1-жадвал

Қиёсий жиҳатдан текширилаётган аёлларда гемостасиограмма параметрлари

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=55	Ретроспектив гуруҳ, n=102
ҚИВ, мин	$1,05 \pm 0,03$	$4,65 \pm 0,62^{***}$
АЧТВ, сек	$29,4 \pm 1,35$	$32,05 \pm 1,02$
ПТИ, %	$92,5 \pm 0,71$	$102,64 \pm 2,35^{***}$
МНО, ед.	$1,0 \pm 0,01$	$1,03 \pm 0,01$
плазмадаги фибриноген г/л	$1,05 \pm 0,03$	$3,76 \pm 1,31^*$
протромбин вақти, сек	$14,08 \pm 0,41$	$15,71 \pm 0,26^{***}$

Изоҳ: * - назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқ аҳамиятли (* - $P < 0,05$. ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)

Назорат гуруҳидан ишонарли фарқ қиладиган яна бир кўрсаткич бу протромбин индекси (ПТИ) ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич таққослаш гуруҳида ва асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан ишонарли даражада ошган ($p < 0,001$). Шунингдек пациентларда қон плазмасидаги фибриногеннинг ўртача кўрсаткичида ҳам ишонарли фарқлар мавжуд бўлган ($P < 0,001$), шуни таъкидлаш керакки, қон плазмасидаги фибриноген миқдори асосий гуруҳда нафақат назорат гуруҳига нисбатан, балки таққослаш гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан ҳам 3,93 бараварга ($p < 0,001$) юқори бўлган. Фаоллаштирилган қисман-тромбопластик вақт (ФҚТВ), халқаро меъёрлаштирилган муносабат (ХММ) тромбин вақти ($p > 0,05$) каби гемостазологик кўрсаткичларда ишонарли фарқларнинг йўқлиги кузатилган.

Шундай қилиб, тадқиқотга жалб қилинган аёлларда гемостазологик кўрсаткичларни ўрганиш шуни кўрсатганки, бу кўрсаткичлар назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан турли йўналишларда ўзгарган. Мос равишда, назорат гуруҳининг ўртача маълумотларига нисбатан кўрсаткичлар 50,0% ва 66,7% га ишонарли даражада ўзгарган бўлган. Бундан келиб чиқадики, гемостазограмма гематологик кўрсаткичларга қараганда сезгирроқ ҳисобланади ва шунинг учун маълумотларни аниқлаш зарур.

Кейинги ўринларда, текширилган аёлларда периферик қоннинг биокимёвий таҳлили натижаларини қиёсий жиҳатдан келтириб ўтамыз.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ўрганилган 9 та биокимёвий кўрсаткичлардан таққослаш гуруҳида 6 (66,67%) таси ва асосий гуруҳида 5 (55,56%) та кўрсаткичлар назорат гуруҳидаги аёллар кўрсаткичларига нисбатан турли йўналишларда ишонарли ўзгарган. Шундай қилиб, умумий билвосита билирубин таққослаш гуруҳи ва асосий гуруҳида пациентларида мос равишда, ўртача $1,03 (9,28 \pm 0,56 \text{ мкмол/л})$ ва $1,07 (9,71 \pm 0,98 \text{ мкмол/л})$ мартага ($P > 0,05$) ва ўртача $1,13 (6,81 \pm 0,47 \text{ мкмол/л})$ ва $1,05 (6,33 \pm 0,72 \text{ мкмол/л})$ мартага ошган ($P > 0,05$). Натижалардан кўриниб турибдики, иккала кўрсаткич ҳам назорат гуруҳи маълумотларидан ишонарли даражада фарқ қилмаган, мос равишда $9,05 \pm 0,23 \text{ мкмол/л}$ ва $6,05 \pm 0,58 \text{ мкмол/л}$.

Шунингдек, билвосита билирубин ($p > 0,05$) ва қондаги умумий оксил миқдори ($p > 0,05$) бўйича ҳам ишонарли ўзгаришларнинг йўқлиги қайд этилган, иккала кўрсаткич ҳам меъерий қийматлар чегарасида бўлган. Ишонарли ўзгаришлар асосан қондаги АЛТ ва АСТ билан боғлиқ бўлиб, бунда ЭКУ амалиётига (таққослаш гуруҳи ва асосий гуруҳ) жалб қилинган аёлларнинг кўрсаткичлари назорат гуруҳи маълумотларига ($p > 0,05$) нисбатан ишонарли даражада ошган. Текширилаётган аёлларнинг қонидаги креатинин, мочевина маълумотлари бўйича шунингдек сезиларли ошиш қайд этилган, бу ЭКУ амалиётига жалб қилинган аёлларда назорат гуруҳига киритилган шахсларнинг кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлган ($p > 0,05$).

Шундай қилиб, қоннинг биокимёвий кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатганки, ўрганилган 9 та кўрсаткичдан 66,67% ҳолларда (таққослаш гуруҳи) ва 55,56% ҳолларда (асосий гуруҳ) ишонарли турли йўналишли ўзгаришлар бўлган. Таққослаш гуруҳи ва асосий гуруҳида пациентларида қондаги АЛТ, АСТ, мочевина ва креатинин миқдорида назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан ишонарли ўсиш кузатилган, аммо ушбу кўрсаткичлар учун референсли қийматлар доирасида ҳам ўзгаришлар сезиларли бўлмаган. Шуни таъкидлаш керакки, барча биокимёвий параметрлар референсли қийматлар даражасида бўлган ва гуруҳлар ўртасидаги баъзи фарқлар аёлларнинг индивидуал қийматлари натижасидир.

Маълумки, аёлларнинг гормонал статусини аниқлаш аёллар организмнинг умумий ҳолатини баҳолаш учун катта аҳамиятга эга, бу ЭКУ га жалб қилинган аёллар учун айниқса муҳимдир. Шу муносабат билан текширилган аёлларнинг гормонал статуси баҳоланган. Жами 9 та гормон аниқланган. Соғлом аёлларда гормонал фонда сезиларли ўзгаришлар бўлмаганлиги сабабли, назорат гуруҳида тадқиқотлар ўтказилмаган, балки референсли қийматларга таянилган.

Текширилганларнинг қон зардобидидаги гормоннинг индивидуал қийматлари ва ўртача кўрсаткичлари референсли қийматлар чегарасида бўлган. Таққослаш гуруҳи ва асосий гуруҳнинг барча 9 та гормонларининг миқдорий таркиби нафақат референсли қийматлардан ($p > 0,05$) ишонарли даражада фарқ қилмаган, балки бир-биридан ўзаро фарқ қилган ($p > 0,05$). Ишонарли фарқларнинг йўқлиги, шунингдек, олинган натижаларнинг референсли қийматлар доирасида аниқланиши аёлларнинг гормонал

статусида ўзгаришларнинг йўқлигидан далолат берган, бу текширилган аёлларнинг гормонал фониға таъсир қилувчи турли хил ташқи ва ички омилларнинг таъсири йўқлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқотнинг навбатдаги босқичи текширилаётган аёлларда веноз қон ва фолликуляр суюқликнинг микроэлементлари таркибининг кўрсаткичларини қиёсий жиҳатдан ўрганиш бўлган.

Текширилган аёлларнинг веноз қонининг микроэлементлари таркибини ўрганишнинг (2-жадвал) кўрсатишича, деярли барча кўрсаткичлар референсли қийматлар даражасида бўлган, аммо таққосланган гуруҳлар ўртасида ишонарли фарқлар аниқланган.

2-жадвал

Текширилган аёлларнинг веноз қонида микроэлемент таркибининг қиёсий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Таққослаш гуруҳи, n=51	Асосий гуруҳ, n=31
Рух, мг/мл	93,63±4,31	55,82±6,12***
Мис, мкг/мл	139,29±3,98	108,21±5,89***
Темир, мкмоль/л	18,54±0,95	14,26±1,13**
Фолат кислотаси, нг/мл	13,75±0,54	11,19±0,61**


Изоҳ: *- таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан фарқ аҳамиятли (* - $P < 0,05$. ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)

Қоннинг асосий микроэлементлари рух, мис, темир шунингдек фоллий кислотаси аниқланган. Олинган натижалар шуни кўрсатганки, беморларнинг веноз қонидаги микроэлементларнинг миқдорий қийматлари таққосланган гуруҳлар ўртасида фарқ қилган. Шундай қилиб, агар таққослаш гуруҳида рух миқдори 93,63±4,31 мг/мл ни ташкил этган бўлса, асосий гуруҳда ушбу кўрсаткич ишонарли даражада 1,68 бараварга - 55,82±6,12 мг/мл гача камайган ($P < 0,001$). Ушбу камайиш асосий гуруҳ аёлларида рух етишмовчилигига кўрсатма бўлади.

Худди шундай пасайиш тенденцияси мис бўйича ҳам қайд этилган, ЭКУ га жалб қилинган аёлларда ушбу микроэлементнинг пасайиши яққол бўлган. Ушбу кўрсаткич асосий гуруҳда таққослаш гуруҳига нисбатан 1,29 баравар камайган ($P < 0,05$) - мос равишда 139,29±3,98 мкг/мл 108,21±5,89 мкг/мл га қарши. Ушбу ҳолатда, мис етишмовчилиги, шунингдек, асосий гуруҳдаги рух етишмовчилиги каби яққол кўринган, фақатгина камайишнинг интенсивлиги яққол бўлмаган. Асосий гуруҳда темир миқдори, шунингдек, таққослаш гуруҳига нисбатан 1,30 бараварга камайганлиги аниқланган ва бу 14,26±1,13 мкмол/л 18,54±0,95 мкмол/л га қарши ($P < 0,05$) ташкил этган. Ўрганилган учта микроэлементларининг етишмовчилиги 1-расмда кўрсатилган.

Иккала таққосланадиган гуруҳда веноз қон микроэлементларининг камайиши бир хил тенденцияга эга бўлган, аммо ҳар хил интенсивлик билан - рухнинг пасайиши мис ва темирга қараганда анча сезиларли бўлган. Бу далил ушбу микроэлементларнинг етишмовчилигини тўдиришнинг биринчи даражали эканлигини кўрсатган.

Фолат кислотаси ҳам репродуктив саломатлик учун муҳим рол ўйнайди, қайсики ушбу ҳолатда ҳам таққосланган гуруҳлар ўртасида фарқланган. Агар таққослаш гуруҳида фолат кислотаси веноз қонда $13,75 \pm 0,54$ нг/мл ни ташкил этган бўлса, тадқиқотнинг асосий гуруҳига киритилган аёлларда бу кўрсаткич 1,23 бараварга камайган бўлиб $11,19 \pm 0,61$ нг/мл ни ташкил этган ($P < 0,001$). Камайиш интенсивлиги веноз қондаги мис ва темирнинг даражасида бўлган (расм. 1).



1-расм. Текширилган аёлларнинг веноз қонидаги асосий микроэлементларининг қиёсий кўрсаткичлари

Шундай қилиб, ЭКУ амалиётида иштирок этган аёлларда веноз қоннинг асосий микроэлементларининг миқдорий таркиби камайганлиги аниқланган, миқдорий пасайиш асосий гуруҳда янада яққолроқ бўлиб, бунда рух, мис, темир ва фолат кислотасининг миқдорий қийматларининг барча кўрсаткичлари таққослаш гуруҳидан мос равишда 1,68, 1,29, 1,30 ва 1,23 мартага ($P < 0,001$) ишонарли камайган. Илк марта ЭКУ га жалб қилинган аёлларнинг веноз қонида микроэлементлар етишмовчилиги исботланган ва камайиш тенденцияси бир хилда бўлган, аммо камайиш интенсивлиги турлича бўлган. Ушбу далилни билиш муҳимдир, чунки бу аёл организмни ушбу микроэлементлар билан тўлдиришнинг биринчи даражали эканлигини белгилайди.

ЭКУ амалиётига жалб қилинган аёлларда веноз қон микроэлементларининг миқдорий камайиши далили исботланганидан сўнг, бу микроэлементлар аёлларнинг фолликуляр суюқлигида полидефицит ҳолатини тасдиқлаш учун аниқланди (3-жадвал).

